

РАҲИМОВ Комилжон

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори (DSc)
kom_rah@mail.ru

**ХОЖА БАҲОУДДИН
НАҚШБАНДНИНГ ҲАЁТИ,
ФАОЛИЯТИ ВА ҚАРАШЛАРИ:
ҒИЖДУВОНИЙГА ҚАЙТИШ
ВА ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ
ТАЪЛИМОТИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ**

**ЖИЗНЬ, ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И
ВЗГЛЯДЫ ХВАДЖИ БАХА'
АД-ДИНА НАКШБАНДА:
ВОЗВРАЩЕНИЕ К ГИЖДУВАНИ
И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ
УЧЕНИЯ ХВАДЖАГАН-
НАКШБАНДИЯ**

**THE LIFE, ACTIVITIES AND
VIEWS OF KHOJA BAHAUDDIN
NAKSHBAND: RETURN TO
GIJDUVANI AND IMPROVEMENT
OF KHOJAGAN-NAKSHBANDIYA
TEACHING**

Аннотация. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (718/1318-791/1389) XII асрда Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (тахм. 496/1103-575/1179) томонидан асос солинган тариқатни такомиллаштириб, нуфузли тариқатлардан бирига айлантирди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Ғиждувоний томонидан жорий этилган, аммо зикри жаҳрийни маъқул топган кейинги пирлар томонидан бекор қилинган зикри ҳафийни қайтадан жорий этди, Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган саккиз раиҳага учта янги раиҳа (вуқуфи замоний, вуқуфи ададий,

вуқуфи қалбий) қўшиб, уларнинг сонини ўн биттага етказди. Баҳоуддин Нақшбанд таркидунёчилик ва ғўшанишинликни инкор этаркан, одамлар билан фаол муносабатда бўлиш ва касб-кор билан шуғулланиш, шу билан бир пайтда бир лаҳза бўлса-да худони эсдан чиқармасликни тарғиб этди.

Ушбу мақолада тарихий манбалар ва тадқиқотларга таянган ҳолда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, фаолияти ва таълимоти тўғрисида нисбатан аниқроқ маълумотлар беришга ҳамда бу борадаги ягича хулосалар баён этишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, тасаввуф, хожাগон-нақшбандия тариқати, хожাগон-нақшбандия таълимоти, еттинчи пир, зикри ҳафий, зикри жаҳрий, раиҳалар, таркидунёчилик, касб-кор билан шуғулланиш, ижтимоий фаол сўфийлик.

Аннотация. Хваджа Баха' ад-дин Накибанд (718/1318-791/1389) усовершенствовал тарикат, основанный Хваджой 'Абд ал-Халиком Гиждувани (прибл. 496/1103-575/1179), и превратил его в один из самых влиятельных тарикатов. Хваджа Баха' ад-дин Накибанд снова ввел тихий зикр (зикр-и хафи), который был введен еще Гиждувани, но был отменен предыдущими пирами, одобрявшими громкий зикр (зикр-и джахри). Он добавил к восьми «каплям» (раи́ха), выработанным Йусуфом Хамадани и 'Абд ал-Халиком Гиждувани, еще три новые «капли» (вукуф-и замани, вукуф-и 'адади и вукуф-и калби), доведя их количество до десяти. Отрицая отшельничество и затворничество, Баха' ад-дин Накибанд проповедовал занятие профессиональной деятельностью наряду с ежесекундным поминанием Бога.

В данной статье на основе исторических источников и современных исследований предпринята попытка дать всесторонний анализ жизни, деятельности и учения Хваджи Бахауддина Накибанды, а также представить новые научные выводы по этой теме

Ключевые слова: Хваджа Баха' ад-дин Накибанд, тасаввуф, суфизм, тарикат хваджаган-накибандийа, учение хваджаган-накибандийа, седьмой пир, громкий зикр (зикр-и джахри), тихий зикр (зикр-и хафи), “капли” (раи́ха), отрешение от мирского, занятие профессиональной деятельности, социально активный суфизм.

Khoja Bahauddin Naqshband (718/1318–791/1389) improved the teaching of Khoja Abdulkholiq Gijduvani in the 12th century (ca. 496/1103–575/1179) and made it one of the most influential teachings. Khoja Bahauddin Nakshband re-introduced the zikri khafi, which was introduced by Gijduvani but abandoned by the following pillars for the favor of zikri Jahri. He also added three new rashha (wuqufi zamoni, wuqufi abadiy, wuqufi qalbiy), to the existing eight rashha developed by Yusuf Hamadani and Abdul Khaliq Gijduvani, and increased the number of rashha to eleven. Bahauddin Nakshband denounced solitude and isolation, encouraged people to be professionally active, while not forgetting God for a moment.

This article seeks to provide more accurate information about the life, activities and the doctrine of Khoja Bahauddin Nakshband, and draws new conclusions based on historical sources and contemporary research.

Keywords: *Khoja Bahauddin Nakshband, Sufism, Khojagan-Nakshbandiya doctrine, Khojagan-Nakshbandiya doctrine, seventh pir/pillar, zikri Khafi, zikr Jahri, rashha, working, socially active Sufism.*

КИРИШ

Ҳалигача «хожагон» ва «нақшбандия» номлари билан машҳур бўлган тариқатнинг вужудга келиш вақти (XII ёки XIV аср), асосчиси (Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ёки Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) ва аниқ номи (хожагон ёки нақшбандия) борасида ягона қарашнинг мавжуд эмаслиги ёки қўпчилиқ ҳолларда «нақшбандия» деб аталувчи ушбу тариқатнинг асосан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғланиши мазкур тариқатнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганишга кенг, чуқур, комплекс ва тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслигидан келиб чиққан ҳолатдир. Ҳолбуки, ушбу тариқат XII асрда Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (тахм. 496/1103–575/1179) томонидан асос солинган, орадан икки асрча вақт ўтиб эса унинг издоши Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (718/1318–791/1389) томонидан такомиллаштирилиб, нуфузли тариқатлардан бирига айлантирилган. Хожагон-нақшбандия манбалари ҳам айнан

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ушбу тариқат асосчиси эканлигини таъкидлайдилар. Жумладан, «Рашахот айн ал-ҳаёт» муаллифи Ғиждувонийни «хожагон занжирининг бош ҳалқаси», «хожагон табақасининг асосчиси ва азизон силсиласининг бошловчиси» деб таништирар экан, унинг ҳаёт тарзи барчага ўрнак ва барча гуруҳлар учун мақбул эканлигини маълум қилади [15:11,34-35].

АСОСИЙ ҚИСМ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, умуман, хожагон-нақшбандия тариқати, жумладан, унинг биринчи – *хожагония* босқичи асосчиси сифатида ушбу тариқатнинг шариат ва суннатга таяниш, тавба ва иродат билан бошланувчи сайру сулук мақомларини босиб ўтиш, зикри хафий ҳамда саккиз рашҳа (*хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдқард, бозгаиш, нигоҳдошт, ёддошт*)дан иборат бўлган илк асосларини шакллантириб берди [6:97-98; 3:112-121; 15:11-38]. Ундан кейин тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий (тахм. 560/1165-660/1262), Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий (тахм. VII/XIII а. бош. –685/1286), Хожа Али Ромитаний (тахм. 591/1195–721/1321), Хожа Муҳаммад Бобо Самосий (тахм. VII/XIII а. ўрт. – 736/1335) ва Саййид Амир Кулоллар (тахм. 680/1281 – 772/1370) ҳам Ғиждувоний таълимотининг асосий қисмини давом эттирган бўлсаларда, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий давридан бошлаб зикри хафий ўрнини зикри жаҳрий эгаллади. Хожагон-нақшбандия тариқатидаги бу амалиёт Хожа Баҳоуддин Нақшбанд даврига қадар давом этди [2:54]. Нақшбанд фаолияти билан хожагон-нақшбандия тариқатининг биринчи – *хожагония* босқичи поёнига етиб, иккинчи – *нақшбандия* босқичи бошланди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқат ривожини ва такомиллигига қўшган катта ҳиссаси шундан иборат бўлдики, у биринчи навбатда *зикри хафий*ни қайтадан жорий этди [2:54;

15:97-98], Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолик Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган саккиз *рашҳа*га учта янги *рашҳа* (*вуқуфи замоний*, *вуқуфи ададий*, *вуқуфи қалбий*) қўшиб, уларнинг сонини ўн биттага етказди [2:84-86; 15:47-50]. Баҳоуддин Нақшбанд таркидунёчилик ва ғўшанишинликни инкор этаркан, одамлар билан фаол муносабатда бўлиш ва касб-кор билан шуғулланиш, шу билан бир пайтда бир лаҳза бўлса-да худони эсдан чиқармасликни тарғиб этди [2:77; 8:391; 4:27]. Хожагон-нақшбандия тариқати Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги пирлар даврида аввал бутун Марказий Осиёга, кейинроқ кўплаб хорижий ўлкаларга ёйилди.

Шу пайтга қадар Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва таълимоти тўғрисида кўплаб тадқиқотлар амалга ошган, кўплаб китоблар ва мақолалар чоп этилган бўлса-да, ҳалигача хожагон-нақшбандия тариқати тарихида катта бурилиш ясаган ушбу шахснинг таржимаи ҳолида аниқлик киритилмаган ўринлар мавжуд, унинг сўфиёна қарашлари ва таълимотининг барча жиҳатлари ҳам тадқиқотчилар эътиборига тушгани йўқ.

Биз шундан келиб чиқиб, ушбу мақоламизда бизгача етиб келган тарихий манбалардаги маълумотлар ва ҳозирги замонда амалга оширилган тадқиқотларга таянган ҳолда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, фаолияти ва таълимоти тўғрисида нисбатан аниқроқ маълумотлар беришга ҳамда бу борадаги ўз хулосаларимизни баён этишга ҳаракат қилдик.

Хожагон силсиласининг еттинчи пири, хожагон-нақшбандия тариқатининг иккинчи – *нақшбандия* босқичи бошловчиси, «Хожайи Бузург» («Буюк Хожа»), «Баҳоуддини Балогардон» («Балони қайтарувчи Баҳоуддин»), «Шоҳ Нақшбанд» номлари билан машҳур бўлган Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд Бухорий хижрий-қамарий 718 йилнинг муҳаррам [11:67; 2:21; 15:95] – милодий 1318 йилнинг март

ойида Бухоро атрофидаги Қасри Хиндувон¹ қишлоғида кимхоб тўқиш ва матога гул солиш – *нақшбандлик* билан шуғулланувчи хунараманд [10:78] оиласида дунёга келган.

Айрим манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг насаби ота томондан Пайгамбар (с.а.в.)га бориб тақалганлиги таъкидланган бўлиб, унинг аجدодлари шажараси қуйидагича келтирилган: Баҳоуддин Нақшбанд ибн Саййид Муҳаммад Бухорий ибн Саййид Жалолиддин ибн Саййид Бурҳониддин ибн Саййид Абдуллоҳ ибн Саййид Зайнулобидин ибн Саййид Қосим ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Бурҳониддин ибн (Саййид Қилич ибн) Саййид Маҳмуд ибн Саййид Булоқ (ёки Исҳоқ, Илоқ) ибн Саййид Тақий Сўфий Хилватий ибн Саййид Фаҳриддин (ёки Мухйиддин) ибн Саййид Али Акбар ибн Имом Ҳасан Аскарӣ ибн Имом Али Тақий ибн Имом Муҳаммад Тақий ибн Мусо Ризо ибн Имом Мусо Козим ибн Имом Жаъфар Содик [7:54; 9:67; 12:549]. «Тухфат уз-зойирин» муаллифи Баҳоуддиннинг онаси биринчи халифа Абу Бакр Сиддик наслидан эканлигини ёзади [7:54].

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ота томондан бобоси Жалолиддин сўфийлик йўлига кирган муридлардан [11:79; 2:23], бувиси эса ўз даврининг ўқимишли ва тақводор аёлларидан бўлган [2:25]. Баҳоуддиннинг хунарамандчилик билан шуғулланувчи отаси маълум муддат Чигатой улусидан бўлган Мовароуннаҳр ҳокими Баёнқулихон (ваф. 1358) қўшинида ҳарбий хизматда бўлган, қариган чоғида эса тариқатга кириб, эндиликда устоз мартабасида бўлган ўғлига эргашган.

Айрим муаллифлар Хожа Баҳоуддин ёшлигидан отаси билан бирга *нақшбандлик* (матого гул босиш) хунари билан машғул бўлганлиги сабабли «Нақшбанд» лақабини олганлигини таъкидлашади [4:15; 10:78; 1:26b]. Бироқ кейинги даврларда яратилган манбаларда ёзилишича, Баҳоуддиннинг кўнгиш зикри билан узлуксиз равишда

¹ Ҳозирги Бухоро вилоятининг Когон туманида жойлашган Қасри Орифон қишлоғи.

шуғулланиш натижасида унинг қалбига худонинг исми нақшланиб қолганлиги унга шу лақабни беришларига сабаб бўлган. Ушбу тариқат улуғларидан бири бу тўғрида шундай деган:

**Эй биродар, дар тариқи нақшбанд
Зикри ҳақро дар дили худ нақш банд.**

Мазмуни: Эй биродар, нақшбанд тариқатида ҳақ зикрини ўз қалбингга нақшлагин [14:351].

Бундан ташқари у дин йўлидаги хизматлари туфайли «Баҳоуддин» («Диннинг нури») унвонини олган.

Хожагон-нақшбандия тариқати манбаларида мазкур тариқатнинг бошқа айрим пирлари, жумладан, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний ва Саййид Амир Кулол каби Баҳоуддиннинг ҳам дунёга келиши ва улғайғач буюк тасаввуф шайхи бўлиб етишиши олдиндан башорат қилинганлиги таъкидланади. Ушбу манбаларда келтирилишича, хожагон силсиласи пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳали Баҳоуддин дунёга келмасидан туриб бир неча бор, кўринишидан муридлари билан учрашиш мақсадида, Қасри Ҳиндувон кишлоғига ташриф буюраркан, ушбу ташрифлар чоғида бир неча марта: «Бу тупрокдан [якин келажакда дунёга келадиган] бир эрнинг ҳиди келмоқда, тез орада Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга² айланади», дейди. Баҳоуддин туғилганидан кейин – ҳали уч кунлик чақалоқ бўлган пайтда – бобоси уни Қасри Ҳиндувонга келган Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳузурига олиб борганида хожагон тариқати пири уни фарзандикка қабул қилиб, унинг келажакда «замона пешвоси» бўлиб етишишини башорат қилади. Бобо Самосий ўшанда Баҳоуддиннинг тарбиясини, яъни уни сайру сулук йўлида

² «Қасри Ҳиндувон» ўзбек тилида «Ҳиндлар қасри», «Қасри Орифон» эса «Орифлар қасри» маъноларини беради.

тарбиялашни халифаси Саййид Амир Кулолга топширади [11:79-80; 2:23; 8:386; 4:256-258; 15:74].

Шу билан биргаликда, Баҳоуддиннинг кейинчалик сўфийлик йўлини танлашига унинг оиласидаги муҳит, аниқроғи, унинг хожагон силсиласи пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосий муриди бўлган [11:79; 2:23] бобоси муҳим ўрин тутган. Баҳоуддин, эҳтимол, ана шу бобосининг саъй-ҳаракатлари билан, бошланғич таълимни ўзи туғилиб-ўсган жойда олиб, етти ёшидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёдлайди.

Баҳоуддиннинг амалда сўфийлик йўлига киришидан олдинги ана шу илм ўрганиши унинг ўн саккиз ёшига қадар давом этган ёхуд у ҳеч бўлмаганда ўн саккиз ёшидан сўнггина бевосита сўфийлик йўлига кирган кўринади. Чунки манбалар Баҳоуддиннинг Бобо Самосий билан уни уч кунлик чақалоқ пайтида фарзандликка қабул қилганидан кейинги илк учрашувини унинг ўн саккиз ёшлигида юз берганлигини эслатишади. Мазкур манбаларда келтирилишича, ўн саккиз ёшли Баҳоуддин уйланишидан олдин бобосининг кўрсатмаси билан тўйга бошқош бўлишини сўраб Бобо Самосийнинг олдида боради-да, унинг уйида бир кечаси меҳмон бўлиб, эртаси куни биргаликда Қасри Орифонга қайтишади. Бобо Самосийнинг ўзи совчиликка бориб, ишни битиради. Баҳоуддин шу орада Бобо Самосийнинг кароматларига гувоҳ бўлади: Бобо Самосий узокдан туриб Баҳоуддиннинг кечаси масжидда нима деб дуо қилганини, йўлда бирга кетишаётганида унинг хаёлидан нималар ўтаётганини билади. Буларнинг барчаси Баҳоуддиннинг пирлар этагидан тутиб, сайру сулук йўлини босиб ўтишга бўлган иштиёқини янада кучайтиради [11:81-83; 2:24-25].

Бобо Самосий вафотидан сўнг бобоси Баҳоуддинни Самарқандга олиб бориб, у ердаги сўфийлар билан учраштиради, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд этади ва дуоларини олади [11:83; 2:25]. Манбаларда

Баҳоуддин Самарқанддан Қасри Орифонга қайтганидан сўнг хожагон силсиласининг тўртинчи пири, «Хожайи Азизон» лақаби билан машҳур бўлган Хожа Али Ромитанийнинг сўфийлик кулоҳи унинг қўлига етиб келгани, бу эса унинг ҳолини бутунлай ўзгартириб юборганлиги таъкидланаркан, бунинг қандай амалга ошганлиги, жумладан, бу кулоҳни ким ва қандай қилиб Баҳоуддинга етказганлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди [11:83; 2:25]. Эътиборлиси шундаки, Баҳоуддинга унинг келажақда хожагон силсиласи пири бўлишидан дарак берувчи ушбу табаррук кулоҳ тегиши билан бир пайтда унинг тариқатдаги келгуси муршиди Саййид Амир Кулол ҳам Хожа Муҳаммад Бобо Самосий васиятига кўра Баҳоуддинни сайру сулук йўлида тарбиялашни бошлаш мақсадида Қасри Орифонга ташриф буюради [11:83; 2:25].

Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик йўлига кирган чоғлариданоқ хожагон тариқатини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга, жумладан тариқат асосчиси Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг хожагон силсиласининг кейинги пирлари даврида айрим ўзгаришларга учраган таълимотини тўлиқ тиклашга аҳд қилган кўринади. Зеро, манбаларда Баҳоуддиннинг, бир томондан, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг руҳидан таълим олиб, унинг увайсий шогирдига айланганлиги, иккинчи томондан эса яссавия тариқати шайхларидан ҳам сўфийлик таълимини олганлиги эслатилади. Ушбу манбаларда келтирилишича, Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ҳузурида бевосита сўфийлик таълимини ола бошлашидан олдин тушида хожагон силсиласининг Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийдан тортиб Хожа Муҳаммад Самосийгача бўлган пирларининг руҳлари билан учрашиб, Гиждувоний руҳидан шариат ва суннатга қаттиқ амал қилиш, бидъатдан қочиш, Саййид Амир Кулол ҳузурида тариқат одобларини ўрганишга кўрсатма олади [11:89-90; 2:29; 8:390-391; 4:261-262]. Баҳоуддиннинг ўзидан нақл қилинган қиссаларга кўра, у

айнан ана шу тушида *зикри хафий*ни қўллашга кўрсатма олган бўлиб, Саййид Амир Кулол ҳам унга зикрнинг ана шу турини ўргатади. Шунга кўра у ўз фаолиятида *зикри алония*ни қўлламайди [11:93; 2:31]. Бундан ташқари, у охиригача Саййид Амир Кулолнинг муриди бўлиб қолган ва охирида унинг ўзидан *иршод*га – муридлар тарбиялаш ва тариқат раҳбарлигини амалга оширишга рухсат олган бўлса-да, ҳаётининг турли даврларида турк машойихлари – яссавия тариқати шайхлари Халил Ота (VIII/XIV а.) ва Қусам Шайх (VIII/XIV а.), шунингдек, Саййид Амир Кулолнинг бошқа бир халифаси, хожагон тариқати шайхи Мавлоно Ориф Деггароний (VIII/XIV а.) ҳузурида ҳам сўфийлик таълимини олади.

Манбаларда Баҳоуддиннинг мазкур шайхлардан қачон ва қандай кетма-кетликда таълим олгани аниқ кўрсатилмаган. Аммо Баҳоуддиннинг Халил Ота билан учрашуви анча олдинроқ, яъни Саййид Амир Кулол бир неча вақт унинг муршидлигида сайру сулук босқичларини босиб ўтган Баҳоуддинга таълим ва сулукни *хожагония* ёки *яссавия* тариқатлари шайхларидан маъкул келган бирортаси ҳузурида давом эттиришга рухсат беришидан [2:50; 8:387; 4:258] олдин ёки, умуман, ҳали Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ҳузурида бевосита сўфийлик таълимини ола бошлашидан илгари юз берган кўринади. Баҳоуддин тушида яссавия тариқатининг бир мунча илгарироқ яшаб ўтган бошқа бир шайхи – Ҳаким Ота лақаби билан машҳур бўлган Сулаймон Боқирғоний (1091-1186) руҳи томонидан башорат тарзида маълум қилинган [11:84; 2:25] ушбу учрашувдан сўнг ўн икки йил давомида унинг хизматида бўлиб, подшоҳларга хизмат қилиш одобларини ўрганади [11:84; 2:25; 15:97]. Эътиборни тортадигани шуки, манбалар Баҳоуддиннинг ўзидан нақл қилган ҳолда, унинг Халил Султон номи билан Мовароуннаҳрда олти йил ҳукмронлик қилганини таъкидлашади [11:85; 2:26]. Айрим тадқиқотчилар сўфийлик манбаларида Халил Ота ёки Халил Султон

номи билан эслатилган ушбу шахснинг 732/1332-747/1347 йиллар Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Чигатой улуси вакили Қозонхон (ёки Қозон Султон) (ваф. 747/1347) эканлигини тахмин қилишади [18:251-252; 19:101]. Америкалик тадқиқотчи Девин Ди Уис шу ўринда Қозонхонни сўфийликка майл билдирган илк мўғул ҳукмдорларидан бири сифатида эслатиб ўтади [17:229]. Эронлик тадқиқотчи Абдулҳусайн Зарринқўб Баҳуддиннинг ушбу ҳукмдор саройида мухтасиб ёки қози лавозимида ишлаган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади [20:209]. Сўфийлик манбаларида Халил Ота ёки Халил Султон номи билан эслатиладиган бу шахснинг ҳақиқатдан ҳам Мовароуннаҳр ҳокими Қозонхон бўлганлигини тасдиқлайдиган яна бир ҳолат шундан иборатки, манбаларда таъкидланишича, Халил Султоннинг ҳокимияти барҳам топгач, Баҳоуддиннинг бу дунёнинг ишларидан кўнгли совийди-да, Бухорога қайтиб, Ревартун кишлоғида яшай бошлайди [11:85; 2:26]. «Анис ат-толибин» муаллифи Баҳоуддиннинг *тавбаси* – ғойибдан унга бир овоз келгач, бу дунёнинг хою ҳавасларидан воз кечиб, сўфиёна ҳаётни ихтиёр этиши ҳам худди шу даврда юз берганлигини таъкидларкан [11:86], Баҳоуддиннинг тушида хожагон силсиласининг ўтмиш пирлари руҳлари билан учрашуви ва улардан кўрсатмалар олиши шундан кейин бўлганлигини маълум қилади [11:87-93].

Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ҳузурида сайру сулук одоблари ҳамда зикр қоидаларини ўрганиш билан бир пайтда уламолар ҳузурида ҳадис илмини ўрганишга киришади [11:93]. «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд»да унинг ҳадис илмидаги устозларидан бири – Мавлоно Баҳоуддин Деггаронийнинг номи эслатилади [2:41].

Саййид Амир Кулол бир неча вақт унинг хизматида бўлиб, сайру сулук босқичларини босиб ўтган Баҳоуддин Нақшбандга энди *хожагония* ёки *яссавия* тариқатлари шайх-

ларидан маъқул келган бирортаси ҳузурида таълим олиши ва сулукда давом этиши мумкинлигини айтади [2:50; 8:387; 4:258]. Шундан кейин Баҳоуддин Нақшбанд етти йил давомида Мавлоно Ориф Деггароний ҳузурида риёзат ва мужоҳадатга берилади [2:50; 15:97]. Сўнгра Насафга бориб, бир неча ой давомида турк машойихларидан – яссавия тариқати шайхларидан яна бири бўлмиш Қусам Шайх ҳузурида тариқат ва сулук борасидаги билим ва тажрибаларини такомиллаштиради [2:51; 15:97].

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд турли ўлкаларга сафарлари давомида ҳам бошқа сўфийлик тариқатлари таълимотлари ва тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилган кўринади. У ўзининг 772/1370 ва 790/1388 йилларда амалга оширган ҳаж сафарлари давомида Марв, Ҳирот, Сарахс, Майхон, Мозандарон, Бағдод каби шаҳарлар ва ўлкаларда бўлиб, Хожа Муайяд, Сайфиддин Абҳарий, Зайниддин Абу Бакр Тойбодий (ваф. 791/1389) каби уламолар ва шайхлар билан учрашади ва *қодирия* тариқатининг асосчиси Шайх Абдулқодир Гилонийнинг (470/1077–561/1166) Бағдоддаги қабрини зиёрат қилади [11:118; 8:393; 15:97]. Бундан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд ҳаж сафарларининг бирида Ҳиротда Куртлар давлати (643/1244–783/1383) ҳукмдори Малик Муизиддин Ҳусайн бин Ғиёсиддин (732/1332–771/1369) билан учрашади ва Ҳирот уламоларининг ушбу ҳукмдор иштирокида бўлиб ўтган йиғинида қатнашади [11:118-121; 2:67-68; 15:97].

Хожагон тариқати таълимотини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Баҳоуддин Нақшбанд ўша даврда ҳаёт бўлган шайхларнинг тасаввуф ва сайру сулук борасидаги қарашлари, назарияси ва амалиёти билан биргаликда ўтмиш даврлари сўфийлари таълимотини ҳам чуқур ўрганган кўринади. Манбалар Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзидан нақл қилган ҳолда, унинг Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан руҳоний тарбия олишдан ташқари, ўтмиш сўфийларидан Увайс Қараний

(ҳижратдан 28 йил олдин/594–36/657) ва Ҳаким Термизий (205/820–320/932) руҳларига таважжух орқали, улардан ҳам таълим олганлигини таъкидлашади [11:95-96; 2:32-33]. Уларда келтирилишича, мазкур таважжух чоғида Баҳоуддинда Увайс Қаранийга хос бўлган инкитоби томм (худодан бошқа нарсалардан бутунлай узилиш) ва тажарруди кулл (худодан бошқа нарсалардан узилиб, бутунлай ёлғиз қолиш) ҳамда Ҳаким Термизийга хос бўлган мутлақ сифатсизлик акс этган [11:95; 2:32]. Эътиборни тортадигани шуки, Баҳоуддин ўзини Ҳаким Термизий таълимотининг давомчиси деб билган: у 789/1387 йили бўлиб ўтган бир йиғинда йигирма икки йилдан буён Ҳаким Термизий тариқатида эканлигини айтади [11:95; 2:32].

Баҳоуддин Нақшбанд агиографиясидан ҳам хожагон силсиласининг олдинги пирларидан Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий ва Хожа Али Ромитаний, шунингдек, ўтмиш даврлар сўфийларидан Ҳаким Термизийда бўлгани каби Ҳазрат Хизр (а.с.) билан учрашув саҳнаси жой олган. «Анис ат-толибин» ва «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» муаллифларининг ёзишларича, Баҳоуддин Насафда турган Саййид Амир Кулол хузурига бораётганида отлик бир чўпон кўринишидаги Хизр (а.с.) унинг йўлидан чиқади. Аммо пирининг олдида шошилаётган, бунинг устига бу отлиқнинг Хизр (а.с.) эканлигини билмаган Баҳоуддин унга эътибор бермай ўз йўлида давом этади [11:108; 2:41-42]. Эътиборни тортадиган жиҳати шуки, ушбу қиссада кетирилишича, ўшанда Ҳазрат Хизр (а.с.) Баҳоуддинга туркий тилда мурожаат қилади [11:108; 2:41]. Бу эса, бир томондан, ўша даврда хожагон тариқатига яссавийлик таълимоти унсурлари кириб кела бошлаганлиги, иккинчи томондан, Қашқадарё диёри яссавийлик таълимотининг марказларидан бирига айлана бошлаганлигидан далолат бериши мумкин.

Баҳоуддин Нақшбанд шу билан биргалликда тариқатдаги пири ва устози Саййид

Амир Кулолнинг вафотига қадар унинг муриди ва издоши бўлиб қолди. Хожагон-нақшбандия тариқати манбаларида Баҳоуддин Нақшбанд ва Саййид Амир Кулол ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида кўплаб қиссалар келтирилади. Мазкур қиссаларнинг бирида Баҳоуддин мажзублик чоғларида Саййид Амир Кулол хузурига борганда пири уни уч марта уйдан ҳайдаб чиқарганида ҳам устозига бўлган ҳурмати туфайли унинг олдида яна қайтиб боравергани, унинг бу иштиёқини кўрган пири уни ўзига яқин олгани [11:104-105; 2:38-39], бошқа бир қиссада эса Саййид Амир Кулол унинг Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан бўлган эътиборига ҳасад қилган айрим муридларга қарата Баҳоуддин Нақшбандни ўзининг энг яхши халифаларидан эканлигини маълум қилганлиги [2:50] ҳикоя қилинади.

Хожагон-нақшбандия тариқати манбаларида Баҳоуддин Нақшбанднинг валийлиги ва кароматлари тўғрисида кўплаб мисоллар келтирилган. Айтишларича, Баҳоуддиннинг илк каромати унинг эндигона тўрт ёшга кирган гўдаклик чоғида юз берган бўлиб, ўшанда у ўйларидаги сигирнинг яқин орада пешонаси ола бузоқ туғишини башорат қилади [11:80-81; 2:23-24; 15:95]. Мазкур манбаларда келтирилган кўплаб ҳикоятларга кўра, у бошқаларнинг ҳаёлидаги гапларни ўқий олиш, узокдан туриб бошқаларнинг қаерга борганликларни билиш, ғойибдан таом пайдо қилиш, қурғоқчилик пайтида экинларни суғориш учун ғойибдан сув келтириш ва шу каби бошқа кўплаб ғайритабиий ишларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган [2:112,113-114,114-115,119-120,121]. У ҳатто бир марта – бир неча муридлар билан пирлари Саййид Амир Кулол хузурига боришгаётганида «сизга бўлган дўстлик йўлида ўл десангиз ўлишга тайёрман», деган йўлошига «ўл», деганида ҳақиқатдан ҳам ўлиб қолади, сўнгра «тирил» дегач эса қайтадан тиради [2:42-43; 13:28]. Бундан ташқари ушбу манбалар Баҳоуддиннинг ўзидан нақл қилган ҳолда, унинг бир неча бор фано ва ғайбат ҳолатига

тушганида руҳи тўртинчи осмонгача учиб боргани [11:93-94; 2:31], илгари яшаб ўтган машҳур сўфийлардан Боязид Бистомий (ваф. 262/875), Жунайд Бағдодий (ваф. 297/909), Мансур Ҳаллож (244/858–309/922) ва Абу Бакр Шиблий (ваф. 334/945) даражаларига етиб, улардан сўнг Муҳаммад (с.а.в.) боргоҳигача боргани ва ул ҳазратга эҳтиром бажо келтиргани тўғрисида ҳикоя қилади [11:112; 2:46].

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ўз пирлари каби ўз меҳнати билан кун кўришни афзал билиб, касб-кор билан шуғулланган. У дастлаб отаси билан бирга кимхоб тўқиш ва матога гул босиш ҳунари билан машғул бўлган [2:25; 4:15; 10:78], кейинчалик эса деҳқончилик қилиб, арпа ва мош етиштирган [2:55].

Саййид Амир Кулол вафотидан олдин Хожа Баҳоуддин Нақшбандга иршод – муридлар тарбиялашга ижозат бераркан, тариқат раҳбарлигини унга топшириб, барча муридларига Хожа Баҳоуддин Нақшбандга эргашишни буюради [2:54: 15:97-98].

Баҳоуддин Нақшбанддан Бибиша Хотун Калон, Бибиша Робиа Хотун ва Бибиша Сарвар Хотун номли уч қиз қолган бўлиб, уларнинг барчаси Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти издошларига турмушга чиқишган. Жумладан, Бибиша Хотун Калон Алоуддин Атторнинг ўғли Ҳасан Атторга, Бибиша Робиа Хотун Мавлоно Фазлуллоҳ Найистонийга, Бибиша Сарвар Хотун эса Абулхайр Туркистонийга турмушга чиққан [13:29].

Хожа Баҳоуддин хижрий-қамарий 791 йилнинг 3 рабиулаввали – милодий 1389 йилнинг 1 мартда етмиш тўрт ёшида оламдан кўз юмади ва туғилиб ўсган қишлоғи Қасри Орифонда тупрокка топширилади [8:394; 4:265; 15:100; 10:79].

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд кўпгина шогирдлар етиштирган бўлиб, Хожа Алоуддин Аттор (ваф. 802/1400), Хожа Муҳаммад Порсо (749/1348–822/1420), Хожа Яъқуб Чархий (ваф. 851/1447) ва Хожа Алоуддин Гиждувоний (ваф. 852/1448) унинг энг машҳур

халифалари жумласига киришади. «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» ва «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарларида келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан олдин Хожа Муҳаммад Порсога тариқат раҳбарлигини топшириб, бошқа издошларини унга бўйсунтиришга ва эргашишга чақиради [2:44-45; 15:100].

Манбаларда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бирор бир асар ёзганлиги қайд этилмаган бўлса-да, унинг муридлари ва издошлари унинг турли ўринларда тасаввуф тўғрисида, жумладан, сайру сулук босқичлари, тариқат одоблари ҳамда тасаввуфнинг асосий тушунчалари борасида айтган гапларини ёзиб бориб, кейинчалик бир неча тўпламларда акс эттиришган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. **«Қудсия»** («Қудсий³ сўзлар») – Баҳоуддин Нақшбанднинг турли йиғинлар ва жойларда айтган қудсий сўзлари ва қилгани маърузаларидан иборат бўлиб, унинг муриди Хожа Муҳаммад Порсо томонидан ёзиб борилган ва Баҳоуддиннинг вафотидан сўнг муридларининг хоҳишига кўра тўпланиб, китоб ҳолига келтирилган.

2. **«Аврод ул-баҳония»** («Баҳоуддин вирдлари»⁴) – ривоятларга кўра, Баҳоуддин тушида Ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ўрганган ва кейинчалик унинг муридларидан Ҳамза ибн Шамшод томонидан алифбо тартибида шарҳланиб, китоб ҳолига келтирилган вирдлар.

3. **«Авроди сағир»** («Қиска вирдлар») – Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айtilган қиска вирдлар тўплами.

4. **«Воридот»** («Кўнгилдан ўтган ўйлар») – беихтиёр ҳолда худо томонидан кўнгилга солинган ўйлар тўғрисида.

5. **«Далил ул-ошиқин»** («Ошиқлар далили») – худога ишқ йўли бўлган сулук ва бу йўлга кирган солиқлар тўғрисидаги асар.

³ **қудсий** [арабча قُدْسِي] – юқори оламга (ғайб оламига) оид.

⁴ **вирд** [арабча وِرد] – такрор айtilувчи (тинимсиз такрорланиб турувчи) сўз (дуо, зикр).

6. «**Ҳаётнома**» – инсон ҳаёти моҳияти ва уни мазмунли ўтказиш борасидаги насиҳатлар ва ваъзлар тўплами.

7. **Рубойлар** – Баҳоуддин Нақшбанд томонидан турли сўфиёна мавзуларда айtilган рубойлар бўлиб, турли асарлар таркибидан жой олган.

Хожагон тариқатини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш орқали уни кенг ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд биринчи навбатда ушбу тариқат асосчиси Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан жорий этилган, бироқ хожагон силсиласининг кейинги пирлари даврида *зикри жаҳрий* билан алмаштирилган *зикри ҳафий*ни қайтадан жорий этади. Шунингдек, у *хилват* ва *самоъ* амалиётига барҳам бериб, ботиний хилват – *зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлишни* тарғиб этади, Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган саккиз *рашҳа*га учта янги рашҳа қўшиб, уларнинг сонини ўн биттага етказди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. **Шариат ва суннат.** Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти биринчи навбатда шариатга қаттиқ риоя қилиш, пайғамбар (с.а.в.) суннатида эргашиш ва ҳар қандай бидъатдан сақланишга асосланган. Баҳоуддин ўз тариқатини *урват ул-вусқо* (мустаҳкам тутқич), яъни пайғамбар (с.а.в.) шариатига эргашиш ва саҳобалар йўлидан боришдан иборат эканлигини уқтираркан, бу тариқатга шариатни маҳкам тутиш ва Расулulloҳ суннатларига амал қилиш орқали етишиш мумкинлигини маълум қилади [2:78].

2. **Сайру сулук.** Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида сайру сулукнинг қандай босқичлардан иборатлиги тўғрисида ҳеч нарса демаган бўлса-да, унинг турли ўринларда билдирган фикрларидан қуйидаги картинани ҳосил қилиш мумкин:

Иродат. Баҳоуддин Нақшбанд назарида *иродат* – солиқнинг бирор муршидга мурид тушиши *таслим* (ўзини топшириш) ва *тарқи*

ихтиёр (ўз ихтиёридан воз кечиш) билан бирга кечадиган жараён бўлиб, бунда мурид «иродатда иродатдан воз кечишдир» қондасига кўра ўз иродатини муршиди иродатига бўйсундиради. Мурид сулукда муршидга тамомила бўйсунуши, унинг чизган чизигидан чиқмаслиги лозим [2:77].

Сайру сулук босқичлари. Алоуддин Атторнинг маълум қилишича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳузурида муридлар *мувоқабат*⁵ – *адам* (йўқлик) – *фано* (фоний бўлиш) кетма-кетлигидаги босқичларни босиб ўтгач, ўзларидан фоний ва Ҳаққа боқий бўлардилар [2:63]. Баҳоуддин Нақшбанд наздида сўфийлар пастдан юқорига қараб борадиган уч табақага бўлинадилар: ёхуд пастдан юқорига қараб борадиган қуйидаги уч даражага эришиб борадилар: 1) мукаллимлар (эргашувчилар); 2) комиллар; 3) мукаммаллар. Бунда мукаллим эшитганига амал қилади, комил ўз вужудидан чиқиб кетолмайди, мукаммал комилни тарбиялаш даражасида бўлади ва комил мукаммалнинг тарбиясисиз мукаммал бўла олмайди [2:77].

Сайру сулукдан мақсад. Баҳоуддин Нақшбанд сайру сулукдан мақсадни *маърифати ижмолий* – худонинг зоти ва сифатлари тўғрисидаги қисқача ва умумий билимни *маърифати тафсилий* – худонинг зоти ва сифатлари тўғрисидаги батафсил ва кенг билимга айлантиришдан иборат деб билади [2:85]. Бошқача сўз билан айтганда, иродат билан бошланиб, муайян босқичларини босиб ўтиш орқали амалга ошириладиган сулукдан кўзда тутиладиган мақсад том маънодаги *маърифат*дир. Маърифат мақомига етган сўфий эса *ориф* деб аталади. Зеро ориф деб худога етишиш йўлида худони, унинг исмлари ва сифатларини билиш, яъни

⁵ **мувоқабат** [арабча مراقبت қараб туриш, қўриқлаш] – *тасаввуфда*: солиқда худонинг барча ҳолатларда ҳам унинг қўнғидагиларни билиши ва ички сирларидан хабардор бўлишига бўлган қатъий ишончи ҳамда шу туфайли худони эслашга ҳалал берадиган номаъқул нарсаларни ўйлашдан сақланиши қўринишида юз берадиган ҳолат.

худо ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш босқичига етган сўфийга айтилади. Баҳоуддин Нақшбанд сулукдаги пировард мақсадига етган солиқни қуйидагича таърифлайди:

Солиқ ўзининг етуқлик даражасига етганидан кейин унда кўнғил ва тил ўртасида фарқ қолмайди, яъни унинг зоҳирдаги амаллари ботинидаги амалларига тўсиқ бўлмайди. Шунда унга одамларни Ҳақ субҳонаҳу ва таолога чорлашга рухсат этилади. Солиқнинг етуқлик даражаси деб эса шунга айтиладики, бунда у фано ҳолатига тушган ва жазба мақоми бўлмиш сайр филлоҳ (Аллоҳда сайр қилиш) даражасига етган бўлади. У илоҳий жазбалар юз берадиган жойга айланганидан кейин ботинидаги жазба сифати билан бошқаларни тасарруф эта олади. Чунки унинг бу тасарруфи аслида Ҳақ субҳонаҳу ва таоло тасарруфидир [2:88-89].

Сайру сулук ҳосилалари. Баҳоуддин Нақшбанд наздида сайру сулук ҳосилаларидан бўлмиш орифликнинг асосий белгиларидан бири шундан иборатки, *ориф* орифлик даражасига етмаган кишилардан фарқли равишда қуйидаги уч ҳолатга туша олади: *мувоқабат*, *мушоҳадат* ва *мусоҳабат*. Унинг наздида мувоқабат – бутун ўй-хаёл ва диққат-эътиборни биргина худога қаратиш орқали ундан бошқа нарсаларни унутиш, мушоҳадат – кўнғил кўзи билан ғайб оламига тегишли нарсаларни кўриш, мусоҳабат – умрининг ўтган ҳар бир лаҳзасини сарҳисоб қилишдан иборат [2:87-88].

Баҳоуддин Нақшбанд сайру сулук ҳосилаларидан яна бири – валийликка алоҳида эътибор беради. Унинг айтишича *валий* – ғайбдан хабардор бўлган ва кароматлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлган киши ўзининг бу хислатларидан мағрурланиб қолмаслиги учун уларга умуман эътибор бермаслиги, балки кўпроқ бандаликка берилмоғи лозим [2:76]. Баҳоуддин Нақшбанд назарида валий бошқа одамларни тасарруф эта оладиган киши бўлиб, у пайғамбар (с.а.в.)

шариатига қанчалик қаттиқ боғланган бўлса, унинг валийлиги шунчалик кучли намоён бўлади [2:89]. Баҳоуддин Нақшбанд валийлар кароматларнинг фақатгина керакли ўринларда содир этилиши лозимлигини таъкидлаб: «Шайхнинг каромати муриднинг ишончини ошириш учунгина намоён этилади», дейди [2:91].

3. Зикр. Зикр бутун хожагон тариқатида бўлгани каби Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳам марказий ўрин эгаллайди. Унинг наздида зикрнинг моҳияти *гафлат* (худони эсламай кўйганлик) майдонидан *мушоҳадат* (худони кўнғил кўзи билан кўриш) майдонига ўтишдир [2:90]. Баҳоуддин зикр талқини, яъни зикрга тушиш қондасини Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан ўрганганлигини айтган [2:84].

Баҳоуддин Нақшбанд хожагон силсиласининг учинчи пири Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий давридан то мазкур силсиланинг олтинчи пири Саййид Амир Кулол давригача қўлланилган *зикри жаҳрий* [2:54] амалиётига барҳам бериб, бошлаб Хожа Абдулҳолик Гиждувоний томонидан қўлланилган *зикри хафий*ни қайтадан жорий этди. Манбаларда келтирилишича, гарчи Саййид Амир Кулолнинг ўзи *зикри жаҳрий*ни қўллаган бўлса-да, «Баҳоуддиннинг ҳар бир иши худонинг ҳикмати юзасидандир», дея у томонидан *зикри хафий*нинг қўлланишига қаршилиқ қилмаган [2:54; 15:97-98]. Баҳоуддин Нақшбанднинг эътиқодича, *зикри хафий* кишининг ўз сиридан⁶ огоҳ бўлишига ёрдам беради [2:78].

⁶ **сир** [арабча سر сир] – *тасаввуфда*: банданинг у ва худо ўртасида мавжуд бўлган, у ва худодан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган яширин ҳолати. Баъзилар сирни қалбда, бошқа баъзилар қалбдан юқорида ва руҳдан пастда, яна бошқа баъзилар эса қалб ва руҳдан юқорида деб биладилар. Тасаввуф аҳлининг наздида тил қалбнинг, ақл эса руҳнинг таржимони бўлиб, тил баён қила олмасдан қалбда қолиб кетган ва ақл идрок қила олмасдан руҳда қолиб кетган нарсалар қалб ва руҳ сирини деб аталади. Тасаввуфда сир банданинг худони таниш, худони севиш, худони излаш ва худони кўриш жойи сифатида тавсифланади. Яъни банда сирда худони танийди, севади, излайди ва кўради.

4. Рашҳалар. Юқорида айтиб ўтилганидек, хожагон-нақшбандия таълимотининг энг муҳим асосларидан бўлмиш «рашҳалар» («томчилар») деб аталувчи ўн бир қоидадан илк тўрттаси – *хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан* ва *хилват дар анжуман* Хожа Юсуф Ҳамадоний [5:12], яна тўрт рашҳа – *ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт* ва *ёддошт* рашҳалари Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган [15:38], бироқ айнан Ғиждувоний ушбу саккиз рашҳани тўлақонли концепцияларга айлантирган эди. Абдулҳолиқ Ғиждувоний таълимотини асл ҳолида тиклаб, уни янада такомиллаштириш йўлидан борган Баҳоуддин Нақшбанд ушбу саккиз рашҳага яна уч рашҳа – *вуқуфи ададий* (санокдаги воқифлик), *вуқуфи замоний* (вақтдаги воқифлик) ва *вуқуфи қалбий* (қалбдаги воқифлик) рашҳаларини қўшиб, уларнинг умумий сонини ўн биттага етказди. Бироқ Баҳоуддиннинг ўзининг таъкидлашича, ушбу рашҳалар, ҳеч бўлмаганда *вуқуфи ададий* қоидаси Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан қолган бўлиб, унга буни Хожа Юсуф Ҳамадоний ўргатган [2:84]. Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, *вуқуфи ададий* ладуний илмни ўрганишга киришиш, *вуқуфи замоний* ўз ҳолидан доимо хабардор бўлиб туриш, *вуқуфи қалбий* эса жазба таъсирини ўзида ҳис этиш ва бу таъсирнинг қалбдан ўрин олиши учундир [2:84-86].

Баҳоуддин Нақшбанд, шунинг билан биргаликда, ўзидан олдин жорий этилган рашҳаларга катта аҳамият берган. У, жумладан, ўзигача бўлган сўфийлик таълимотларида мавжуд бўлган хилват амалиётини рад этаркан, *сафар дар ватан* ва *хилват дар анжуман* рашҳаларини ўз тариқати асосларини ташкил этувчи қоидалар сифатида белгилайди [2:77; 8:391; 4:27]. Зеро, зоҳирий таркидунёчилик ва гўшанишинликка қарши курашган, ўз меҳнати билан кун кўришни тарғиб этган Баҳоуддин Нақшбанд наздида *сафар дар ватан* сўфийнинг тафаккур воситасида ўзининг ички

оламига – руҳият оламига сафарини, *хилват дар анжуман* эса жисман одамлар орасида, қалбан эса худо билан бўлишни назарда тутди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти шу орқали солиқнинг, бир томондан таркидунёчиликка ва гўшанишинликка берилмасдан, одамлар орасида бўлиб, улар билан фаол муносабатда бўлиши ва касб-кор билан шуғулланиши, иккинчи томондан, бир лаҳза бўлса-да худони эсдан чиқармаслиги, ўй-хаёли ва диққат-эътибори худода бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

5. Ижтимоий фаол сўфийлик. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таркидунёчилик ва гўшанишинликка қарши чиққан Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний изидан бориб, ўз издошларини хилватдан воз кечиб, суҳбат йўлини танлашга чорларкан: «Бизнинг йўлимиз суҳбат [йўли]дир. [Зеро] хилват шуҳрат келтиради, шуҳрат эса офат. Яхшилик кўпчилик халқ ичра ҳосил бўлади, кўпчилик халқ эса суҳбат натижасида шаклланади» [2:77; 11:142; 8:392], дейди. Шунингдек, у Ғиждувоний каби сўфийнинг бошқалар ҳисобидан яшамасдан, ўз меҳнати билан кун кўриши лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўфий бўлиш учун албатта касб-кордан воз кечиб, узлатга чекиниш шарт эмаслигини уқтириб, ўз издошларини жўшқин иқтисодий фаолият билан шуғулланишга чорлаш мақсадида *даст ба кор-у дил ба ёр* (қўлинг ишда, кўнглинг эса худода бўлсин) қоидасини ўртага ташлайди [16:457].

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

МАНБАЛАР:

Қўлёзма ҳолатидаги манбалар

Форс тилида:

1. Абулқосим Муҳаммад бин Масъуд Бухорий. ар-Рисолат ал-Баҳоия. Қўлёзма // Туркия, Қайсария шаҳри, Рашид Афанди номидаги кутубхона. инв.№1110.

Нашир этилган манбалар

Ўзбек тилида:

2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) / Таҳрир ҳайъати: А. Рустам ва бошқ.; Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. – Тошкент: «Ёзувчи», 1993. – 208 б.

3. Аз гуфтори Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (асар бобларидан парчалар) / Форс тилидан Маҳмуд Ҳасаний ва Г. Музаффар кизи таржимаси // Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний [Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи: Маҳмуд Ҳасаний]. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – 128 б. Б. 112-121.

4. Навоий, Алишер. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том / Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир: С. Рафиддинов. – Тошкент: «Фан», 2001. – 520 б.

5. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний [Таржимон, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: Сайфиддин Сайфуллох, Нодирхон Ҳасан; Масъул муҳаррир: Иброҳим Ҳаққул]. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2003.

6. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Одоб тариқат / Форс тилидан Маҳмуд Ҳасаний

ва Г. Музаффар кизи таржимаси // Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний [Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи: Маҳмуд Ҳасаний]. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – 128 б. Б. 97-101.

Форс тилида:

7. تورا بخارى، سيد محمد ناصرالدين. تحفة الزايرين. چاپ سنگى. بخارا، 0191.

[7. Тўра Бухорий, Саййид Муҳаммад Носириддин. Тухфат аз-зайирин / Тошбосма нашр. – Бухоро, 1910. – 144 б.]

8. جامي، نورالدين عبدالرحمان، نفحات الانس / با مقدمه و تصحيح: محمود عابدي، تهران، اطلاعات، چاپ چهارم، 2831. 4121 ص.

[8. Жомий, Нуриддин Абдуллаҳмон ибн Аҳмад. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс [Таҳрир ва сўзбоши муаллифи Маҳмуд Обидий]. Тўртинчи нашр. – Техрон: «Эттелот», 1382/2003. – 1215 б.]

9. خواجه حاجى محمد فضل الله. عمدة المقامات / به اهتمام حسين حلمى ايشيق. – استانبول: مكتبة الحقيقة، 5341 ق – 4102 م.

[9. Хожа Ҳожи Муҳаммад Ғазлуллох. Умдат ул-мақомот [Ҳусайн Ҳилмий Ишиқ томонидан нашрга тайёрланган]. – Истанбул: Мактабат ул-ҳақиқат, 1435/2014. – 480 б.]

01. سلطان محمد داراشكوه. سفينة الاولياء. چاپ سنگى. – لكهنؤ: مطبع منشى نول كشور، 2681.

[10. Султон Муҳаммад Дорошуқуҳ. Сафинат ул-авлиё / Тошбосма нашр. – Лакхнав: Мунший Навал Кишур матбааси, 1862.]

11. صلاح بن مبارك بخارى. انيس الطالبين و عدة السالكين / به تصحيح و مقدمة خليل ابراهيم صارى اوغلى؛ به كوشش توفيق صبحانى. – تهران: كيهان، 1731.

[11. Салоҳ бин Муборак Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин [Таҳрир ва сўзбоши муаллифи: Халил Иброҳим Сорий ўғли; Тавфиқ Субҳоний томонидан нашрга тайёрланган]. – Техрон: «Кайҳон», 1371/1992.]

21. لاهورى، غلام سرور. خزينة الاصفيا. ج 1. كانبور، 2131. 245 ص.

[12. Лоҳурий, Ғулом Сарвар. Хазинат ул-асфиё. 1-жилд. – Конпур, 1312/1894. Б. 542.]

АДАБИЁТЛАР

(рус, турк ва форс тилларида)

31. محمد طالب بن تاج الدين حسن حواجه الحسينى الصديقى. مطلب الطالبين / فرهنگستان علوم جمهوری ازبکستان، انستیتوی شرق شناسی ابو ریحان بیرونی؛ تصحیح غلام کریمی و ایرکین میرکاملوف؛ زیر نظر حکیم تورایف. – تاشکند: ماوراءالنهر، 2102. – 673 ص.
- [13. Мухаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа Ҳусайний Сиддикий. Матлаб ут-толибин / ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти; нашрга тайёрловчилар: Ғулом Каримий, Эркин Миркомиллов; масъул муҳаррир: Ҳалим Тўраев. – Тошкент: «Movarounnahr», 2012. – 376 б.]
41. محمد معصوم نايب الصدر شيرازى. طرائق الحقائق / با تصحيح محمد محجوب / ج 1. تهران: كتابخانه سنایى، 8131. – 277 ص.
- [14. Мухаммад Маъсум Нойиб ус-садр Шерозий. Таройик ул-ҳақойик [Мухаммад Жаъфар Маҳжуб таҳрири остида]. 2-жилд. – Техрон: Санойи кутубхонаси нашриёти, [1318/1939. – 772 б]
51. مولانا فخرالدین علی بن حسین واعظ کاشفی. رشحات عین الحیات / با مقدمه و تصحیحات و حواشی و تعلیقات دکتر علی اصغر معینیان. در 2 جلد. جلد اول. – تهران: بنیاد نیکوکاری نورانی، 6352. – 163 ص.
- [15. Мавлоно Фаҳриддин Али бин Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт [Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи доктор Али Асғар Маъиниён]. 2 жилдлик. 1-жилд. – Техрон: «Нуроний» хайрия жамғармаси нашриёти, 2536/1977. – 361 б.]
61. مولانا فخرالدین علی بن حسین واعظ کاشفی. رشحات عین الحیات / با مقدمه و تصحیحات و حواشی و تعلیقات دکتر علی اصغر معینیان. در 2 جلد. جلد دوم. – تهران: بنیاد نیکوکاری نورانی، 6352. – 487 ص.
- [16. Мавлоно Фаҳриддин Али бин Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт [Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи доктор Али Асғар Маъиниён]. 2 жилдлик. 2-жилд. – Техрон: «Нуроний» хайрия жамғармаси нашриёти, 2536/1977. – 784 б.]
17. Девин ДиУис. Машах-и турк и Хваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа [Перевод с английского языка: Е. Березиной] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912—1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. — 394 с. С. 211-243.
18. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история / Пер. с англ. М.Г.Романов. — СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2004. — 464 с.
19. Necdet Tosun, Bahâeddin Nakşband: Hayatı, Görüşleri, Tarikatı, İstanbul: İnsan Yayınları, 2007, 3. baskı.
02. زرین کوب، عبدالحسین. دنباله جستجو در تصوف ایران / چاپ هفتم. – تهران: امیر کبیر، 7831. – 214 ص.
- [20. Зарринкўб, Абдулҳусайн. Эрон тасаввуфи тўғрисида изланишнинг давоми / Еттинчи нашр. – Техрон: «Амири Кабир», 1387/2008. – 412 б.]